•разработать и ввести в действие Стратегию по декорбанизации экономики Республики Узбекистан до 2050 года.

**Список использованной литературы:**

*The Glasgow climate pact, annotated.* https://www.washingtonpost.com/climate-environment/interactive/2021/glasgow-climate-pact-full-text-cop26/

*Саипов З., Алимбаев С., Бабаханов Ж. Процесс декорбанизации в рамках «зеленой» экономики направлен на сокращение выбросов оксида углерода в атмосферу. //Рынок, деньги и кредит. №7-8, 2023. С.58*

*КС 26: С какой повесткой выступает Узбекистан? Интервью с генеральным директором Узгидромета Ш. Хабибуллаевым.* https://livingasia.online/2021/11/02/vystupaet-uzbekistan/

https://hudromet.uz

*Пункт 51 Приложения к Указу Президента Республики Узбекистан о стратегии «Узбекистан – 2030» от 11.09.2023 г. № УП-158.* https://lex.uz/ru/docs/6600404

*Постановление Президента Республики Узбекистан о мерах по качественной и своевременной реализации стратегии «Узбекистан – 2030» в 2023 году от 11.09.2023 г. № ПП-300.* https://lex.uz/ru/docs/6600415

*Саипов З., Алимбаев С., Бабаханов Ж. Процесс декорбанизации в рамках «зеленой» экономики направлен на сокращение выбросов оксида углерода в атмосферу. //Рынок, деньги и кредит. №7-8, 2023. С.75*

# МИНТАҚА САНОАТ ЎСИШ НУҚТАЛАРИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

***Б. Рузметов,****и.ф.д., профессор*
*Урганч Давлвт Университети*
***Қ.Отажонов,****тадқ.*
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Хоразм вилоят филиали раҳбари*

Хоразм вилояти саноат салоҳиятининг ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган ҳудудлар сирасига киради. Вилоятнинг саноат тармоғида асосан кишлок хужалик хомашёсини бирламчи кайта ишлаш, хусусан пахта тозалаш саноати устунлик килади. Вилоятнинг саноат ишлаб чиқариш даражаси (аҳоли жон бошига саноат маҳсулотларини ишлаб чикариш ҳажми) Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятига нисбатангина юкори хисобланади. Ҳудудда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чикариш хажми ўртача республика кўрсаткичига нисбатан 2000 йилдан буён пасайиш тенденциясига эга бўлган. Сўнгги уч йилда мазкур кўрсаткичнинг ўсиши кузатилаётган бўлсада, унинг хажми республиканинг ўртача кўрсаткичидан 3,3 баробар пастлигича колмокда .

Мазкур йўналишларни муваффақиятли амалга ошириш баробарида куйидаги вазифалар ҳам ҳал этилади:

- мавжуд ишлаб чиқариш базасини модернизация қилиш ва кенгайтириш, шунингдек, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш, кам кувватли ва

фаолият кўрсатмаётган корхоналар фаолиятини кайта тиклашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

- табиий ресурс ва иктисодий салоҳиятдан (қишлоқ хўжалиги, мехнат ресурслари ва ҳ.к.) самарали фойдаланиш;

- қайта ишлашни чукурлаштириш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш асосида якуний тайёр маҳсулотлар ишлаб чикаришни кўпайтириш;

- хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулотлар ишлаб чикариш бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларни, оилавий бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш;

- замонавий техника ва технологиялар, ноу-хау ва янгиликларни кенг жорий этиш ҳисобидан минтақада рақобатдош ишлаб чикаришни шакллантириш;

- инвестицияларни, шу жумладан аҳоли ва чет эллик ҳамкорлар маблағларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга жалб килиш;

- кадрлар муаммосини ечиш, тармоқларнинг юқори малакали ходимлар, бошқарув раҳбарлари ва барча технологик йўналишлар бўйича асосий ва қўшимча ишчиларга бўлган талабини кондириш;

- замонавий ва истиқболли маҳсулотларни яратиш ва ишлаб чикариш вазифаларини ҳал этишга қодир юкори малакали кадрлар тайёрлаш, уларни ишлаб чикариш, конструк торлик, технологик ва дипломолди амалиёти пайтида жиддий тайёргарлик, профессионал даражада ишлаш кўникмаларига эга бўлишини ўз ичига олган олий таълимнинг кўп босқичли дастури асосида ўқитиш;

- бренд маҳсулотлари яратишни рағбатлантириш, уларни вилоят ва унинг ташқарисидаги истеъмол бозорларида таклиф этишга кўмаклашиш;

- тармоқ корхоналари ўртасида кооперация алоқаларини ўрнатиш, аралаш ишлаб чиқаришни қўшилган қиймат яратилишининг занжирсимон боғлиқлиги асосида ташкил этиш ва бу борада ахборот алмашувини йўлга қўйиш;

- корхоналарда ISO стандартини жорий этиш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати назоратини кучайтириш, уларнинг рақобатдошлигини ошириш чораларини кўриш;

- соҳаларнинг таққослама устуворликларини таъминлаш максадида ички ва ташқи бозорларни, бозор коньюнктураси ўзгаришини мунтазам мониторинг қилиб бориш;

- ишлаб чиқаришни модернизация килиш асосида имитацион ва инновацион ривожланиш бўйича лойиҳаларни танлашда техник ва маслахат ёрдами кўрсатиш, экспортчи корхоналар учун мумкин бўлган барча имтиёз ва преференцияларни жорий этиш, уларга хорижий инвесторлар, шериклар топишда кўмаклашиш;

- мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг глобал саноат гуруҳлари ва трансмиллий корпорациялар билан амалий хамкорлигини ривожлантиришда Хоразм вилоятига оид сегментларни аниқлаштириш;

-ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантиришда илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари аҳамиятини кучайтириш.

Ушбу Стратегияда таклиф этилган лойиҳалар ва таклифларни инобатга олган ҳолда, вилоят саноат ишлаб чиқаришини модернизацион сценарий асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу сценарийга кўра соҳани жадал ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган бир қанча тадбирлар, хусусан юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар улушини ошириш, мавжуд имконият ва захиралардан, ички ҳамда ташқи бозорда ишлаб чикарилаётган маҳсулотга бўлган талабнинг кулай конъюнкту- расидан самарали фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришни диверсификация килиш ҳамда инвестицияларни устувор равишда асосий капитални купайтиришга йўналтириш кўзда тутилади. Натижада вилоятда 2030 йилга қадар саноатнинг ўртача йиллик ўсиш даражаси 14,5 фоизни ташкил этиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажми 8,5 баробарга ошади, ялпи худудий махсулотда саноатнинг улуши эса 21 фоизни ташкил килади.

Хоразм вилояти саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш борасида аниқланган мақсад ҳамда вазифаларнинг амалга оширилиши хизматлар соҳасининг ривожланишига маълум даражада ўзининг таъсирини ўтказади. Бундай ўзгаришлар, энг аввало, амалга ошириладиган лойиҳалар, саноат ишлаб чиқариши талабини қондирадиган аутсорсинг хизмат турларининг ривожланиши билан боғлиқ. Булар жумласига бухгалтерлик, хуқуқий, кадрлар бўйича, ИТ аутсорсинг, бинони йиғиштириш (клининг), кўчмас мулк объектларидан фойдаланиш аутсорсинги, логистик ёки транспорт аутсорсинги, ходимлар аутсорсинги.киради (1-расм).

**Хоразм вилоятида саноатни ривожлантириш йўналишлари билан боғлиқ бўлган аутсорсинг хизматларини ривожлантириш схемаси**

| **Саноатни ўсиш нуқталарида** | **Ўзаро боғлиқ саноат соҳаларида** | **Ҳудудлараро ва минтақалараро лойиҳалар** |
| --- | --- | --- |
| Машинасозлик ва тўқимачилик мажмуаларини ташкил этиш :<br>-бухгалтерлик аутсорсинг хизматлари *(Хазорасп,Боғот,Шовот ва Урганч ш.)*<br>- транспорт хизматлари аутсорсинги *(Боғот, Шовот);*<br>- ҳуқуқий аутсорсинг *(Хазорасп,Боғот,Шовот ва Урганч ш);*<br>- маркетинг аутсорсинги *(Хазорасп, Шовот).*<br>- ИТ аутсорсинги *(Хазорасп, Боғот, Урганч ш.)* | - бухгалтерлик аутсорсинг хизматлари *(Боғот, Қўшкўпир, Хонқа, Янгиариқ ва Ургнч ш.);*<br>- ҳуқуқий аутсорсинг *(Боғот, Қўшкўпир, Хонқа, Янгиариқ);*<br>- транспорт хизматлари аутсорсинги *(Қўшкўпир,Хонқа, Шовот,Боғот, Янгиариқ);*<br>- бинони йиғиштириш (клининг), *(Хива, Гурлан, Урганч, Янгиариқ, Янгибозор ва Урганч ш.)* | *- транспорт хизматлари аутсорсинги (Боғот, Қўшкўпир, Урганч);*<br>- бухгалтерлик аутсорсинг хизматлари *(Гурлан, Қўшкўпир, Янгиариқ, Янгибозор);*<br>- ҳуқуқий аутсорсинг *(Боғот, Қўшкўпир, Янгиариқ, Янгибозор туманлари ва Урганч ш.);*<br>- маркетинг аутсорсинги *(Хива, Боғот, Урганч, Янгиариқ туанлари ва Урганч ш.)* |

**1-расм. Хоразм вилояти саноат корхоналарида аутсорсинг хизмати турларини ривожлантириш йўналишлари**

Аутсорсингнинг афзалликлари қуйидагича:

• Маблағларни тежаш. Аутсорсинг хизматининг нархи корхонада шундай структурани қуриш харажатларига қараганда арзон. Аутсорсер хизматининг қиймати бу корхонанинг харажати ҳисобланиб, солиққа тортиладиган базани камайтиради (иш ҳақига нисбатан ижтимоий суғуртага ажратма ҳамда даромад солиғи ушлаб қолинмайди).

• Иш ўрнини тежаш. Корхонада тегишли структурани яратиш учун қўшимча офис майдончасини, оргтехникани, канцелярия харажатларини, ахборот-ҳуқуқий тизимларини ва лицензияланган дастурий таъминотни талаб қилиши мумкин

• Доимий узлуксиз иш. Корхона ўз ишчи ва ходимларига йиллик меҳнат таътили, касаллик нафақаси беришга мажбур. Аутсорсер фирма доимий ишлайди.

• Вақтни тежаш. Кадрларни танлаш – вақт талаб қиладиган оддий бўлмаган масала ҳисобланади. Аутсорсинг хизмат кўрсатувчи фирмада зарур бўлган инфратузилма, технологиялар ва мутахассислар билан таъминланган.

• Кафолатланган сифат. Аутсорсер фирма ўз штатида юқори малакали мутахассислар командаси мавжуд ва бундай лойиҳаларни бажаришда бой тажрибага эга.

Хоразм вилоятидаги машинасозлик комплекси асосида маҳаллийлаштирилган бутловчи ва эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни кенг ривожлантириш орқали машинасозлик мажмуасини ташкил этиш (Хазорасп, Боғот, Хонқа,Урганч, Шовот, Хива, Янгиариқ туманлари ва Урганч шаҳрида) ҳисобига юқорида келтирилган аутсорсинг хизматлар турининг пайдо бўлиши ва ривож топиши эвазига, ҳисоб-китобларга кўра, қарийб 48 та инфратузилма объекти ва 240 та иш ўринлари ташкил этилиши мумкин.

**1-жадвал**

**Хоразм вилоятининг машинасозлик ва тўқимачилик мажмуалари корхоналарида аутсорсинг хизмат кўрсатиш соҳаларини ташкил этиш ҳисоби**

| № | Хизмат турлари | Асосий кўрсаткичлар | | |
|---|---|---|---|---|
| | | **Объектлар сони** | **1 та объектдаги ишчилар сони** | **Жами ишчилар сони** |
| 1. | Информацион технологиялар аутсорсинги | 8 | 4 | 32 |
| 2. | Транспорт хизматлари аутсорсинги | 8 | 10 | 80 |
| 3. | Бухгалтерлик аутсорсинги | 8 | 4 | 32 |
| 4. | Ҳуқуқий аутсорсинг | 8 | 4 | 32 |
| 5 | Бинони йиғиштириш (клининг) | 8 | 4 | 32 |
| 6. | Маркетинг ааутсорсинги | 8 | 4 | 32 |
| | ЖАМИ | 48 | | 240 |

Истиқболда Боғот ва унга қўшни туманларда (Шовот, Хонқа, Хива, Боғот, Янгиариқ, Янгибозор, Хазорасп, Урганч) ўсиш нуқтаси сифатида пахтани чуқур қайта ишлаш ва тайёр, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш асосида тўқимачилик кластерини шакллантириш хамда бунга боғлиқ бўлган бошқа соҳаларни ривожлантириш мўлжалланган бўлиб, бу ҳам аутсорсинг

хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган 32 та инфратузилма объекти хамда камида 200 дан ортиқ янги иш ўринларини очиш имконини беради. Бу туманларда аутсорсинг хизматларидан бухгалтерлик хизмати, хуқуқий хизмат, транспорт хизматлари ва маркетинг аутсорсингидан фойдаалани мақсадга мувофиқ.

Мева ва сабзавотларни чуқур қайта ишлаш асосида Урганч, Хазорасп, Шовот туманлари ва Урганч шаҳрида агросаноат мажмуасини ташкил этиш хамда Урганч, Хазорасп, Шовот, Қўшкўпир ва Боғот туманларида сут ва гўштни чуқур қайта ишлаш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда ҳам ушбу мажмуаларда ҳар бирида 600 нафар ишчи ишлаши мўлжалланган.

Ушбу мажмуаларнинг ишлаб чиқариш жараёни билан узвий боғланган аутсорсинг хизмат кўрсатувчи тармоқлар:

- транспорт хизматлари;
- бухгалтерлик хизматлари;
- ҳуқуқий хизматлар;
- ИТ хизматларидан фойдаланш заруратини юзага келтиради.

Бизнинг ҳисобларга кўра, юқорида қайд этиб ўтилган лойиҳаларни амалга ошириш учун аутсорсинг хизматлар соҳасида қўшимча 100 га яқин инфратузилма обектлари ва 2000 дан ортиқ янги иш ўринлри яратиш талаб этилади.

## НЕКОТОРЫЕ ПРОБЛЕМЫ КОМПЛЕКСНОЗНАЧНОЙ ЭКОНОМИКИ

***И.С.Абдуллаев,*** *д.э.н., профессор*
*Ургенчский Государственный Университет*

Первая научная публикация на тему применения комплексных переменных в экономическо-математическом моделировании (1) касалась свойств самой простой линейной модели комплексного аргумента, использованной в качестве модели производственной функции. Именно в этой публикации впервые был изложен новый подход по использованию теории функции комплексного переменного (ТФКП) в экономике, а именно- комплексная переменная, которая используется в экономико-математическом моделировании, должна включать в себя две действительных ( вещественных) экономических переменных, отражающих разные стороны одного и того же объекта экономического исследования. Это, во-первых. Во-вторых, эти две переменные обязательно должны иметь такой масштаб, чтобы их средние величины были близки друг к другу. И, на конец, в–третьих, эти переменные должны измеряться в одних и тех же единицах измерения.

Формируя, таким образом, новые комплексные экономические переменные, и подставляя их в те или иные функции, используя аппарат ТФКП, мы получим такие взаимосвязи между исходными переменными, которые невозможно, или очень сложно получить, оперируя только с действительными переменными. Пусть действительная часть одной комплексной экономической переменной обозначена через $y_r$ , а её мнимая часть-$y_i$ . Действительная часть другой